Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2011 йил 5 июль, № 130 (5297) Сешанба

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Истиқлол қуёши яқину йироқ, дашту чаманзор деб ўтирмади. Тафти мамлакатимизнинг барча гўшаларига баравар тегди. Жуғрофий жойлашуви, гўзал манзараларию табиий бойликлари, ўзига хос маданий дурдоналари, қадриятларни баланд тутиш салоҳияти билан ҳамиша халқимиз назарига тушиб келган кўҳна ва навқирон Бойсун элига истиқлол бахш этган бахту иқбол бунинг бир тимсоли.

“Алпомиш” достонида бу ҳудудга “ўн минг уйли Бойсун-Қўнғирот эли” деб таъриф берилган. Бу таъриф бундан минг йиллар аввал ҳам Кетмончопти тоғининг жанубий ён бағрида жойлашган ушбу кентда ўн минг хонадон истиқомат қилганини билдиради. Ҳозир Бойсун аҳолиси 100 мингдан ошди. Ҳудуди катта — Сурхондарёнинг қарийб тўртдан бир бўлагидан иборат. Аммо суғориладиган ерлари шу ҳудуднинг атиги юздан бир қисмидан ошмайди. Қолгани чўнг тоғлар, бепоён қир-адирликлар, ўрмонлар. Ана шу юртни эл-улус тилию дилидан бол томиб ўз қўшиқларининг қанотида эъзозлаб, улуғлаб келган.

ИСТИҚБОЛИ НУРАФШОН ГЎША

Мустақиллигимиз эса бу азалий ғурурга янгича мазмун, малоҳат бахш этди. Дашт-далаларда умргузаронлик қилишнинг ўзига яраша гашти бор. Тоғнинг сўқмоқ, пасту баланд йўллари... Ишонсангиз, мустақиллигимизгача бўлган даврда бу ерда одамлар табиий газ ҳақида ўйламасдилар. Бу иш, ҳатто яқин келажакда рўёбга чиқиши мумкинлиги ҳам тасаввурга сиғмасди.

Муҳтарам Президентимиз тоғликларнинг ана шу асрий армонини уқиб билди. Воҳанинг нуроний оқсоқоллари билан ўтказган бир мулоқотларида шу ҳақда гап очиб, Бойсунни газлаштириш ташаббусини ўртага ташлади. Орадан кўп вақт ўтмай, қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. 1995 йилга келиб, узунлиги қарийб 50 километрлик юқори босимли газ қувурлари тортилди. Нафақат Бойсун шаҳри, балки Сариосиё, Авлод, Боғибола, Инкобод, Хўжабўлғон, Сайроб, Чорбоғ сингари тоғ қишлоқларининг хонадонларида зангори олов ёнди.

— Бу янгилик, айниқса, биз, уй бекаларининг жонимизга оро кирганини айтмайсизми, — дейди инкободлик Бибихол она. — Табиий газни биз рўзғоримизнинг Мустақиллик инъом этган машъаласи, деб биламиз. Ундан қалбларимиз ёришди. Бизга меҳрибон бўладиган, мушкулларимизни осон қиладиган Ватан борлигини ҳис қилдик. Шу юрт, Юртбошимиз дунё тургунча турсин, деб алқаймиз, дуо қиламиз.

(Давоми 2-бетда).

Муралидҳар БАБУ:

ЎЗБЕКИСТОНДА БЕТИМСОЛ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Муваққат ишлар вакили Муралидҳар БАБУ билан суҳбатлашди.

— Ўзбекистонда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ишлар амалга оширилди ва бу ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилмоқда, — дейди Муралидҳар Бабу. — Юртингизда шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир, йўллар кенгайтирилиб, замонавий иншоотлар барпо этилмоқда, муқаддас қадамжолар қайта таъмирланмоқда, халқ фаровонлиги муттасил ошмоқда.

Ўзбекистон — иқтисодиёти тез ва изчил ривожланаётган мамлакатлардан биридир. Кўплаб давлатлар иқтисодиёти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида танг аҳволга келиб қолган бир вақтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8-9 фоизни ташкил этаётгани бунинг яққол далилидир.

Дунё нигоҳи

Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, дунё миқёсида нуфузи тобора юксалиб бораётган Ўзбекистоннинг янада тараққий этиш борасида амалга ошираётган ислоҳотларини Ҳиндистон доимо қўллаб-қувватлайди.

— Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида сўзлаб бersangиз.

— Бой тарих ва маданиятга эга Ўзбекистон Ҳиндистоннинг энг муҳим ва ишончли ҳамкорларидан биридир. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги кенг қамровли, изчил ва амалий ҳамкорлик тамойиллари асосига қурилган алоқалар юксак самаралар бермоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишида икки давлат раҳбарлари ўртасидаги дўстона муносабат ва ўзаро ҳамфикрлик муҳим омил бўлаётир. 2006 йилнинг апрелида Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Ўзбекистонга ташриф буюрди. Жорий йилнинг 17-18 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи ўзаро алоқаларимиз ривожида катта воқеа бўлди.

Ўзбекистон Ҳиндистонга пахта ва кўнчилик хом ашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, рангли металлар ва турли хизматлар экспорт қилади. Ҳиндистондан Ўзбекистонга фармацевтика маҳсулотлари, механик ва электрон ускуналар, оптик асбоблар, пластмасса ва пластмассадан тайёрланган маҳсулотлар импорт қилинади. 2010 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 150 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистонда ҳинд сармоядорлари иштирокида тузилган олтмишга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар, асосан, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда бўлгани каби маданий-гуманитар йўналишда ҳам изчил ривожланиб бормоқда.

Ҳиндистон дунёнинг деярли барча мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатган, бироқ ҳинд маданият маркази саноқли давлатлардагина ташкил этилган. Тошкентда 1995 йили ана шундай марказ очилгани Ҳиндистоннинг Ўзбекистон билан ҳар томонлама, хусусан, маданият ва санъат соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканининг тасдиғидир. 2005 йилда ушбу марказга Лаъл Баҳодир Шастри номи берилди. Марказ Ўзбекистондаги қатор вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлари, ҳинд тилига ихтисослаштирилган мактаблар билан мунтазам алоқаларни йўлга қўйган.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● **ЗАФАРОБОД туманидаги кўп тармоқли “Боғбоши” фермер хўжалиги раҳбари Саодат Ҳалимова банкдан олган 20 миллион сўмлик кредит эвазига паррандачиликни йўлга қўйди. Ҳозир бу ерда 2 мингтадан зиёд парранда парваришланмоқда. Тадбиркор ўтган қисқа муддатда ички бозорга уч тоннага яқин парҳез гўшт етказиб берди.**

● ТЎРТКЎЛ туманидаги 1800 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатадиган “Намуна” қишлоқ врачлик пункти мукаммал таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун 30 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

● **“АНДИЖОН ГЭС”-нинг иккинчи навбати фойдаланишга топширилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бу ерда 16 миллиард сўмликдан зиёд техник ва технологик янгиланишлар олиб борилган эди. Муҳими, ўтган ана шу қисқа муддатда аҳолига 3 миллиард 585 миллион сўмлик электр энергияси етказиб берилди.**

● “Маҳалла” жамғармасининг СИРДАРЁ вилояти бўлими ташаббуси билан кам таъминланган оилаларга паррандачиликни ривожлантиришларида амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Сўнгги уч ой давомида вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларидаги 597 та хонадонга 30 мингта жўжа бепул тарқатилди.

● **НУРОБОД шаҳрида туман Бандликка кўмаклашиш маркази бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда навбатдаги меҳнат ярмаркасини ташкил этди. Унда тумандаги 105 та корхона ва муассаса ўзларидаги 235 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Якунда 49 нафар кишига ишга жойлашиши учун йўлланма берилди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Истиқлол — менинг тақдиримда

Иқтидорли ва салоҳиятли, тафаккури кенг, бой дунёқарашга эга баркамол авлодни вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг, устозу мураббийнинг эзгу орзусидир.

КЕЛАЖАК ВОРИСЛАРИ

Уларнинг билим олишлари, баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар муҳайё этилган.

Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилган ва бугунги кунда дунё миқёсида таълимнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ушбу мақсадларимизнинг рўёбга чиқишини таъминламоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган бундай юксак эътибор айни дамда биз, ўқитувчи ва мураббийларнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Зеро, бугун фарзандларимизга билим бериш баробарида уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш, аждодларимизнинг бой мероси, бебаҳо миллий анъаналаримизга садоқат руҳида камол топтириш бизнинг энг асосий бурчимиздир.

Ўзим ҳам шу йўлда баҳоли қудрат меҳнат қилаяпман. Фаолиятим асносида юқори синф ўқувчилари учун кимё фани дарсликлари, шунингдек, ушбу фанни ўқитиш услуби бўйича қатор қўлланмалар муаллифи бўлдим. Энг муҳими, шогирдларим орасидан кўплаб иқтидор эгалари етишиб чиқди, аксарияти илм йўлини танлаб, фанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш йўлида интилмоқда. Шулар ҳақида ўйларканман, ўзимнинг ёшлик йилларим ёдга тушади. Бизнинг давримизда бугунгидек имкониятлар қайда эди, дейсиз? Пана-пастқам, қоронғи синф хоналарида, қишда совуқдан титраб дарс ўтардик.

(Давоми 4-бетда).

ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ижро этувчи ҳокимиятнинг фаолияти устидан парламент назорати имкониятини кенгайтириш, сенаторларнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларга ечим топишда ўз минтақалари манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятлари самарадорлигини ошириш, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини фаоллаштиришда муҳим омил бўлади, десак, асло янглишмаймиз.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Дарҳақиқат, юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этувчи халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг жойларда рўёбга чиқарилишини таъминлашдаги, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни ниҳоятда катта. Зеро, ҳар бир вилоятнинг, туман ва шаҳарнинг пасту баландидан, одамлари, иқтисодий салоҳияти, имкониятларидан ўша ердаги вакиллик органлари, доимий комиссиялар, депутатлик гуруҳлари яхшигина хабардор. Шу боисдан ҳам Президентимиз Олий Мажлис Сенатининг аввалги чақириқ бешинчи ялпи мажлисидаги маърузасида маҳаллий Кенгашлар, айниқса, доимий комиссиялар фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг амалдаги қонунчиликда белгилаб берилган ваколатлардан унумли фойдаланиши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомда ҳам мана шу мақсадлар мужассамдир. Чунки ушбу ҳужжатлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда Сенат ўртасидаги муносабатларни ҳам янги босқичга олиб чиқади. Чунончи, регламентга кўра, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг иш режаси халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг доимий комиссиялари, ҳокимликнинг бўлим ва бошқармалари, тегишли ҳудудда жойлашган корхона,

(Давоми 2-бетда).

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Ахборот-коммуникация технологияларини барча соҳаларга изчил татбиқ этиш иш ва хизматлар самарадорлигини ошириш, вақт ва қоғозни тежашда алоҳида аҳамият касб этади. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда мазкур йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самара бермоқда.

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 майда қабул қилинган давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирларига оид қарори бунда муҳим омил бўлаётир.

Қарорда тасдиқланган ушбу тизимга босқичма-босқич ўтиш бўйича чора-тадбирлар режаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, турли ташкилот ва идоралар ўртасида алоқаларнинг самарадорлигини ошириш, ахборотларнинг қоғоз ва электрон манбаларидаги оқимини мақбуллаштириш ҳамда ҳужжатларни сақлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш учун ягона ахборот маконини яратиш имконини бермоқда. Бу идора ва ташкилотларда қоғоздан фойдаланишни қисқартиришга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси тизимида ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, мижозларга интерактив хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда соҳада ахборот технологиялари ва алоқа воситаларини ўз ичига олган ахборот тизимлари шакллантирилган.

Давлат солиқ қўмитасининг матбуот хизматидан маълум қилишларича, ҳозир солиқ идораларида қарийб 8 минг компьютер мавжуд бўлиб, улар ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлардан тўлақонли фойдаланиш имконини бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 8 январда қабул қилинган «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётир. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, солиқ тизимида ўзаро сифатли электрон ахборот алмашинувини жорий этиш, давлат солиқ хизмати органлари ишининг самарадорлигини кучайтиришга қаратилган ўттизга яқин дастурий маҳсулотлар амалиётга татбиқ қилинди.

(Давоми 4-бетда).

Самарқанд анжумани – ОАВ фаолиятини эркинлаштириш йўлидаги муҳим қадамдир

24 — 25 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида “Оммавий ахборот воситаларининг молиявий ва иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, уларни демократик ва либерал ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЭОАВМА) ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда Бельгия, Болгария, Германия, Испания, Франция, Малайзия, Сингапур, Ҳиндистон, Озарбойжон ва Литва мамлакатларининг телевидение, радио, интернет журналистикаси ҳамда босма оммавий ахборот воситалари экспертлари, шунингдек, юртимизда фаолият олиб бораётган нуфузли халқаро ташкилотлар ва маҳаллий масмедиа соҳаси вакиллари иштирок этди. Конференция якунида унинг иштирокчилари “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда ўзларининг мазкур халқаро тадбир борасидаги мулоҳазаларини ўртоқлашди.

ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Иштван Венцель ушбу анжуманнинг ташкил этилиши Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги йўналишида белгиланган вазифаларни амалга оширишда улкан аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

(Давоми 3-бетда).

ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

муассаса, ташкилот ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари таклифлари, шунингдек, ҳудудий вакиллик органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тавсияларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида маҳаллий Кенгашлар ҳокимнинг тақдимига биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлаши, қонунларга мувофиқ, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорларини белгилаши, маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар бериши мумкинлиги қайд этиб қўйилган.

Бугунги кунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, доимий комиссиялар, депутатлик гуруҳлари фаолияти тубдан яхшиланиб бормоқда. Бунда, албатта, Олий Мажлис Сенати, чунончи, юқори палатанинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан бажарилаётган чора-тадбирлар аҳамияти катта бўлмоқда. Негаки, мазкур тадбирларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бу борада Президентимиз томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар, маҳаллий Кенгашларнинг ушбу мақсадларни рўёбга чиқаришдаги вазифалари ҳақида батафсил ахборотлар берилиб, маҳаллий Кенгашларга амалий ёрдам кўрсатилаётир.

Маълумки, Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 84 нафари бевосита халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари орасидан сайланиб, ўз ҳудудларининг манфаатларини мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органи — Олий Мажлиснинг юқори палатасида ҳимоя қилади. Шу маънода айтганда, Президентимизнинг парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасида илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Сенат ва ҳудудий вакиллик органлари ўртасидаги муносабатларда янги даврни бошлаши шубҳасиз. Чунки Сенатга берилаётган ҳар бир ваколат, ҳуқуқ замирида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳам масъулиятини ошириш ғояси мужассамдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Асосий Қонунимизда белгилаб берилган ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, умумдавлат дастурлари ижросини парламент назоратига олаётгани, айниқса, мутасадди вазирлик ва давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш йўлга қўйилгани юртимизда парламентнинг ҳукумат фаолиятига таъсирини сезиларли даражада ошириш имконини бераяпти. Табиийки, бу тартиб-қоидани жойлардаги Кенгашлар фаолиятига татбиқ этишга эришишнинг аҳамияти ҳам беқиёсдир.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, парламентнинг ҳукуматни шакллантиришдаги ваколатларини кенгайтириш муҳим ўрин тутади. Зеро, мазкур Қонунга асосан, Конституциянинг 78-моддаси 15-бандига киритилган қўшимчада мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари доирасига киритилди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур тартиб қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги муносабатнинг ўзига хос усулини жорий қилиш билан бирга, Бош вазир ва у орқали ижроия ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг мамлакатимиз давлатчилик тажрибасига асосланган янги механизмини яратади. Бош вазир бутун ҳукумат фаолияти учун масъуллиги, яъни марказда ва жойларда ижро органлари фаолиятини бошқариши ҳамда мувофиқлаштириб туришини ҳисобга олганда, маҳаллий Кенгашлар умумдавлат дастурларининг ўз ҳудудларида ижро этилишига нафақат жойлардаги ҳокимликлар, балки республика миқёсида ҳам эътиборни жалб қилишга муваффақ бўла олишади.

Хулоса ўрнида айтганда, Конституцияга киритилган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда Сенат ўртасидаги муносабатларда янги босқични бошлаб беради. Муҳими, қонунчиликдаги бу ўзгаришлар ҳар бир ҳудуд манфаатларига бирдек хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

И. БАҲРОМОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Муралидҳар БАБУ:

ЎЗБЕКИСТОНДА БЕТИМСОЛ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбек ва ҳинд санъат арбобларининг мамлакатларимизда ташкил этиладиган турли кўргазма ва фестиваллардаги иштироки яхши анъанага айланган. Хусусан, Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида ҳиндистонлик санъаткорлар мунтазам қатнашиб келади.

Ўзбекистон маданияти вакиллари ҳам Ҳиндистонда ўтказиладиган турли кўргазма ва фестивалларда мунтазам равишда иштирок этиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон жорий йилнинг февраль ойида Ҳиндистоннинг Харьяна штатида бўлиб ўтган фольклор ва халқ амалий санъати фестивалида ушбу тадбирни ташкил этиш бўйича ҳамкор мамлакат сифатида қатнашди.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи давлатлардан. Мамлакатингизда оқилона ва тўғри юритилаётган сиёсат туфайли юртингизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда. Ўзбекистонда истиқлол йилларида демократия, диний бағрикенглик, ижтимоий адолат, инсонпарварликни қарор топтириш, тинчлик, дўстлик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасида бетимсол ишлар амалга оширилганки, буни алоҳида таъкидламоқ зарур.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Истиқлолнинг 20 йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этаман. Элюртингиз омон, осмонингиз доимо мусафо, мустақиллигингиз абадий бўлсин! Мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги изчил ривожланаверсин.

ЎзА мухбири Мадина УМАРОВА суҳбатлашди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатлари тўлиқ бартараф этилмаган, қолаверса, дунё миқёсида экологик вазият тобора ёмонлашиб бораётган бир шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Зеро, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи йирик хорижий давлатларда қурғоқчилик, чўллашиш жараёнларининг тобора кенгайиб бораётгани бу борада вазиятнинг янада мураккаблашишига сабаб бўлмоқда. Ана шу омилларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, аҳолининг бирламчи эҳтиёжларини қондириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Пировардида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда барқарор ўсиш суръатларига эришилиб, бозорларимизда озиқ-овқат маҳсулотлари нархини жиловлашга муваффақ бўлинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ташкил этган парламент эшитувида айнан шулар ҳақида сўз борди. Унда Қишлоқ ва сув

Парламент эшитуви

хўжалиги, Иқтисодиёт ҳамда Молия вазирликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлашни модернизациялашга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асослари хусусида ахборотлари тингланди.

Тадбирда таъкидлаганидек, мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини республикамизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни жадал барпо этиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Сўнгги беш йил давомида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш 1,7 баробар ўсганлиги ҳам мана шу саъй-ҳаракатларнинг самарасидир.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, нафақат ички бозорда сотилмоқда, балки экспорт ҳам қилинаётир. Мисол учун, 2010 йилда мева-сабзавот экспорти 2006 йилдагига нисбатан қарийб 4,5 баробарга ўсиб, 2010 йилда 1 млрд. АҚШ долларига етказилди. Бу кўрсаткич келгуси йилда яна 30 фоизга кўпайиши кутилаяпти. Биргина картошкачиликда ҳам яхши натижаларга эришилмоқда. Хусусан, мустақилликкача аҳоли жон бошига 5-6 кг. картошка тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу миқдор 66 килограммга етди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З. Рўзиевнинг ахборотида келтирилишича, бугунги кунда Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, унга инновацияларни жорий қилиш ҳамда имтиёзли кредитларни жалб этиш бўйича мақсадли дастурлар рўёбга чиқарилмоқда.

— Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонларини оптималлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, соҳа тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича олиб борилаётган ишлар изчил давом этмоқда, — дейди вазир. — Чунончи, 2008-2010 йилларда махсус давлат дастури доирасида ана шу мақсадлар учун 371,3 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилди. Натижада кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 2007 йилдагига нисбатан 60 минг гектарга, сизот сувлари сатҳи 2 метргача бўлган майдонлар 239 минг гектарга камайди. Айни пайтда бундай агротехник тадбирлар бажарилган ҳудудларда ҳосилдорлик пахта бўйича 2-3 центнерга, ғалла бўйича 3-4 центнерга кўпайди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 20 фоизи чорвачилик ҳисобига тўғри келмоқда. Ушбу тармоқда сўнгги беш йил мобайнида қорамоллар сони 129 фоизга, гўшт ишлаб чиқариш 128 фоизга ва сут маҳсулотларини етиштириш 127 фоизга ошди. Фақатгина 2010 йилда 1 млн. 462 минг тонна гўшт, 6 млн. 200 тонна сут маҳсулотлари ва 3 млрд. 450 млн. дона тухум, 11 минг тонна балиқ маҳсулотлари тайёрланди. Айни пайтда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш бўйича Ҳукумат дастури қабул қилиниб, унинг ижроси назоратга олинди. Дастурга кўра, 2011 йилда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни 2010 йилдагига нисбатан 112 фоизга кўпайтириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Р. Ғуломовнинг ахборотида таъкидланишича, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш бўйича муайян ишлар рўёбга чиқарилаётир. Чунончи, бу борада мақсадли дастурлар қабул қилиниб, изчил амалга оширилаётир. Масалан, гўшт ва сутни қайта ишлайдиган микрокорхоналар учун ягона солиқда 50 фоиз имтиёз берилган бўлса, зарур техника ва эҳтиёт қисмларни хориждан олиб келиш учун божхона тўловлари тўланмайди. Қолаверса, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Мисол учун, етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг 14 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 16 фоизи, сут маҳсулотларининг эса 12 фоизи қайта ишланади. Эътиборли жиҳати, бу борада юртимизда улкан салоҳият мавжуд бўлиб, айрим ҳудудларда ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш имкониятлари бор.

— Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг асосий қисми фермерлардир, — дейди қўмита раиси М. Тешабоев. — Шу боисдан бугун мутасадди вазирликлар, қўмита ва бошқа давлат органлари, қолаверса, Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамкорликда фермерлар билан мунтазам мулоқотлар ўтказиб туриши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини ошириш бўйича биргаликда чора-тадбирлар ишлаб чиқиши, бу борада мавжуд бўлган турли тўсиқ ва камчиликларни бартараф этишга эътиборни кучайтириши керак.

Парламент эшитувида сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи аъзолари ҳам бу борадаги ўз позицияларини баён қилдилар. Улар қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш мақсадида озуқа базасини мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этдилар. Айни пайтда амалдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Уруғчилик тўғрисида”ги, “Усимликлар карантини тўғрисида”ги қонунларни янада такомиллаштириш зарурлиги ҳақида фикрлар билдирилди.

Парламент эшитуви якунлари бўйича тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, қўмита қарори қабул қилинди.

Қобил ХИДИРОВ.

ИСТИҚБОЛИ НУРАФШОН ГЎША

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бойсунда ҳозир хонадонларнинг қарийб 60 фоизи газлашган. Муҳими, иш тўхтаб қолгани йўқ. Дарбанд қишлоғига юқори босимли газ қувури тортиш ниҳоясига етай деб қолди. Бошқа қишлоқларни газлаштириш лойиҳалари устида ҳам иш олиб борилмоқда. Айни пайтда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Темир йўлнинг файзу баракаси

“Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон” янги темир йўл магистралини бойсунликлар ана шундай ном билан эъзозлашади. Денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда барпо этилган, тубсиз даралардан, чағир тошлардан иборат Ҳисор тоғ тизмаларини кесиб ўтган бу ноёб иншоотнинг узунлиги 223 километр. Бир кеча-кундузда 14 жуфт поездни ўтказиш имкониятига эга. Бундан 13 йил илгари бошланган йўлнинг қурилишига 447,4 миллиард сўм капитал қўйилмалар, жумладан, Япония халқаро ҳамкорлик банкининг 151,5 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги кредитлари йўналтирилган. Янги темир йўл мамлакатимиз иқтисодиётига қувват, кундалик юмушларимизга қулайлик, одамларимиз қалбига қувонч улашди. Темир йўл туфайли юк ва йўловчи ташиш масофаси 170 километрга, ҳаракатланиш вақти 7 соатга қисқарди. Биргина 2010 йилда ташувлар ҳажми 6610 минг тоннага етди.

Темир йўл, айниқса, Бойсун элининг белига бақувват пўлат камар бўлиб тушди. Эл-юртнинг ярашиғига айланди. Темир йўлнинг ярмидан кўпроғи туман ҳудудидан ўтади. Бу ҳудудларда “Бойсун”, “Дарбанд” деб номланган замонавий вокзаллар қад ростлади. Бири-биридан кўркам станциялар, разъездлар бунёд этилди. Кишини ҳайратга соладиган баҳайбат ва баланд кўприклар қурилди. Муҳими, бу улкан қурилиш республикамиз корхоналарининг кучи ва салоҳияти билан амалга оширилди.

— Қурилишга биз эллик хилдан зиёд темир бетон ашёларини тайёрлаб берганимиз билан фахрланамиз, — дейди Қумқўрғондаги “Сурхон комбинати” масъулияти чекланган жамияти цех бошлиғи Эргаш Туранов. — Бу кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари фаолиятимизни чархлади, изланишларимизга собитлик бахш этди.

Темир йўлнинг биргина Бойсун туманига келтирган шарофатини айтинг: шинам турaржой бинолари. Хизмат кўрсатиш тизимлари. “Дарбанд” қишлоғида 216 ўқувчига мўлжалланган умумий ўрта таълим мактаби. Спорт мажмуалари.

— Темир йўл қишлоғимизнинг қиёфасини, одамларимизнинг дунёқарашини ўзгартириб юборди. Биз гўё юз йиллар илгарилаб кетгандек бўлдик, — дейди “Дарбанд” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Камол Аминов. — Биз дунёга чиқдик. Бугун жаҳон темир йўллари харитасида “Дарбанд” деган вокзал борлигидан фахрланамиз.

Янги темир йўл Бойсун учун катта имкониятлар эшигини очмоқда. Уни мунаввар уфқлар сари чорламоқда. Бойсун тупроғи — хазиналар қомуси. Тўданинг кўмири, Дарбанд оҳактошлари, Кофрун доломитлари, Темирдарвоза гипс-ангидрид захиралари, Сайроб нинг ёнувчи сланецлари... Булар ҳаммаси янги йирик корхоналар, кўпдан-кўп иш ўринлари демак. Жонажон юртимизнинг иқтисодий салоҳияти, ҳеч кимдан кам бўлмаган халқимизнинг фаровон ҳаёти демак. Кейинги йилларда туманда саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, хизмат кўрсатиш соҳасида сезиларли ўсиш суръатлари кузатилаётгани бўлажак ютуқларнинг дебочасидир. Истиқбол деб аталмиш янги темир йўлнинг файзбаракасидир.

Бахтиёр АКРАМОВ, Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Ҳунармандлик шарофати

Бойсун азалдан ўзининг косиблари, ҳунармандлари, усталари, чеварлари билан тилга тушиб келган юрт. Мустақиллик йилларига келиб уларнинг касб-корлари, истеъдод-маҳоратлари сайқал топгандай бўлди. Сандиқсоз — мебель устасига айланди. Дурадгор ва темирчи ўз устахонасини замонавий иш қуроллари билан жиҳозлади. Чеварлар бақамти ишлаб, катта-катта буюртмаларни бажаришга қўл урди. “Жило Файз” хусусий корхонаси мебель фабрикаси, ғишт заводини очиб, ўнлаб иш ўринларини яратди. Тадбиркор Бахтиёр Норматов гипс ва гипсокартон ашёлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. “Бойсун тери” хусусий корхонаси қўй териларини ошлаб ва қайта ишлаб, маҳсулотларини экспортга чиқаришни мўлжалламоқда. 2006 йилда ЮНЕСКО

томонидан туҳфа қилинган “Ҳунармандлар маркази”да янги лойиҳаларни амалга ошириш устида иш олиб борилмоқда.

— Бизда ҳозир масъулияти чекланган жамиятларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 377 та кичик бизнес ва хусусий микрофирмалар фаолият юритаяпти, — дейди туман статистика бўлими бошлиғи Хурсанд Саидов. — Уларнинг ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши ўтган йили 1,5 бараварга ўсди. Бугунги тадбиркор шунчаки кун ўтарга ишлайдиган косиб эмас. У энди ўзининг ҳақ-ҳуқуқини билади. Ишлаб чиқариш технологияларини фарқлай олади. Ҳисоб-китобга пухта. Хорижлик ҳамкасблари билан тенг ҳамкорлик қилади. Буларнинг ҳаммаси, пировардида қишлоқларимизнинг янада фаровонлашувига, гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Истиқлол туфайли Бойсун ўзини таниди, ўзини топди. Бойсуннинг алпомишлари бугун жаҳон кураш майдонларини забт этмоқда. Санъаткорлари ўз салафлари анъаналарининг муносиб давомчиси. Ёшлари донишманд бобосига, кайвони момосига тиришқоқ шогирд. Орзу дарахтларининг гуллари рангба-ранг. Мевалари серҳосил.

Бойсун истиқлол кенгликлари узра довруғлар қанотида яшамоқда, яшнамоқда.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқаро экспертлар ва мутахассислар Роғун ГЭСи қурилиши Марказий Осиё давлатлари учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги мавзусини кенг муҳокама қилишда давом этмоқдалар. Хусусан, Россия сиёсий конъюнктура маркази мутахассислари “Народное слово” газетасида чоп этилган “Роғун ГЭСи — минтақа учун ҳалокатдир” номли мақола ҳақида ўз фикрларини баён қилишди. Мақолада Ўрта Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув захираларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ долзарб масала кўтарилган.

Россиялик экспертларнинг Роғун ГЭСи ҳақидаги фикрлари

ЕЧИМ ОҚИЛОНА БЎЛМОҒИ КЕРАК

“Мазкур муаммо, — дейилади мақолада, — Ўрта Осиёдаги трансчегаравий дарёларда гидроэнергетик иншоотлар қуриш бўйича турли лойиҳалар пайдо бўлгач, янада кескинлашди. Бундай қурилишлар ғояси бундан қирқ йилча муқаддам юзага келган бўлиб, бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Баъзи қўшни мамлакатлар эса халқаро ҳуқуқ меъёрларини писанд қилмаган ҳолда, табиий сувга мулк ёки товар сифатида қарамоқда ва бунда атрофдаги мамлакатлар манфаатларини сира ҳисобга олмасдан, Ўрта Осиёдаги барча мамлакатлар экологик муаммоларини янада чуқурлаштиришаяпти”.

Россиялик экспертлар ҳам Марказий Осиёдаги сув-энергетика масалалари ечимига доир худди шундай қарашларни илгари сурмоқдалар. Ҳозирги кунда сувдан фойдаланиш ва сув хавфсизлиги борасида адолатли тизимни вужудга келтирмасдан туриб, минтақада барқарор ва тадрижий ривожланишга эришиб бўлмаслигини ҳеч ким инкор этмайди.

Сув захиралари танқислиги яқин келажакда, ҳатто нефть ва газга бўлган эҳтиёждан ҳам кучлироқ бир даражага кўтарилиши Евроосиёдаги кўпгина ҳудудлар учун ҳозирнинг ўзида кундай равшан бўлиб қолаяпти. Марказий Осиёда сув масаласи анчадан буён ҳаётий масала ҳисобланади. Бу ерда сув муаммоси минтақадаги барча мамлакатларнинг ва Россиянинг ҳам манфаатларига бевосита таъсир кўрсатувчи яққол геосиёсий масала тусини олмоқда.

Россия сиёсий конъюнктура марказининг ташқи сиёсат бўйича эксперти Евгений Войконинг фикрича, бугунги кунда Марказий Осиёда энергетика хавфсизлигини таъминлаш, шак-шубҳасиз, терроризм ва наркобизнесга қарши кураш каби глобал муаммолар қаторидан ўрин олмоқда. Мана шу сабабга кўра, халқаро жамоатчилик (нафақат экспертлар, балки сиёсатчилар ҳам) Роғун ГЭСи қурилиши билан боғлиқ равишда юзага келаётган вазиятга алоҳида диққат-эътибор қаратмоқда.

Мақолада адолатли равишда кўрсатиб ўтилганидек, Марказий Осиё ҳудудидаги сув-энергетика лойиҳаларининг энг муҳим ўзига хос жиҳатларидан бири уларнинг трансчегаравий характерга эгалигидир. Бу эса, ўз навбатида, бутун минтақада давлатлараро зиддият ва кескинликларнинг муқаррар кучайишига олиб келади. Бундай муаммолар барча манфаатдор томонларнинг хоҳиш-иродаси сўзсиз инобатга олинган ҳолда ҳал қилиниши зарур. Акс ҳолда, энергетика билан боғлиқ равишда чуқурлашаётган инқирознинг олдини олиш амри маҳол.

Роғун ГЭСи қурилиши масаласига кескин тус берадиган яна бир ҳолат шундан иборатки, сув захиралари учун кураш озиқ-овқат тақчиллиги ўсиб бориши оқибатида ҳамда озуқа етиштиришнинг арзон манбаларини излашнинг тобора фаоллашуви таъсирида янада кучаяди. Бундай шароитда Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув захиралари фақат икки томонгагина тегишли эмас, балки янги, минтақаларо миқёсдаги муаммога айланади.

Холис назар

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — мамлакат бюджетининг муҳим даромад манбаларидан биридир. Бундан ташқари, бундай маҳсулотлар миллий экспортда етакчи ўринни эгаллайди ва озиқ-овқат товарлари тақчиллиги кучайиб, мамлакат аҳолиси сони тез суръатлар билан ошиб бораётган бир вазиятда иқтисодий барқарорликнинг сақланиб қолишини кафолатлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, иккинчи муҳим бир муаммо — мазкур масалани Тошкент ва Душанбега мақбул тарзда ҳал этишга кўмаклаша оладиган яна бир томоннинг самарали аралашувини таъминлаш билан боғлиқ вазифа юзага келади.

Ушбу минтақада кўп бор хизмат сафарида бўлган ва маҳаллий шарт-шароитни обдан ўрганган мутахассис, юридик фанлари доктори, Марказий Осиё мамлакатлари бўйича мустақил эксперт Роман Косигин шундай ёзади: “Мен гидроиншоотлар қурилиши масаласида Ўзбекистон позициясини мутлақо қўллаб-қувватлайман. Айниқса, трансчегаравий дарёлардаги сув омборларида тўғонлар қурилиши, албатта, халқаро экспертизадан ўтказилиши барча сувдан фойдаланувчи томонлар учун ҳам, экологик талаблар нуқтаи назаридан ҳам мақбул йўлдир”.

Эксперт таъкидлаганидек, бу борада халқаро конвенциялардан ташқари, самарали қўлланиб келинаётган давлатлараро ва минтақавий битимлар ҳам мавжуд. Бундай ҳужжатлар Буюк кўл ҳудуди бўйича АҚШ ва Канада ўртасида, Колорадо дарёси бўйича АҚШ ва Мексика ўртасида, Нил дарёси бўйича Судан ва Миср ўртасида, Дунай дарёси бўйича Европа мамлакатлари ўртасидаги муносабатда самара бермоқда. Мазкур битимлар сув йўлларидан, гидроэнергетика соҳасидаги эҳтиёжларга хизмат қилаяпти, сув ёқасидаги давлатлар қишлоқ хўжалигининг сувга бўлган эҳтиёжини аниқ квоталаш усули қўлланилишини таъминлаётир.

Роман Косигин трансчегаравий дарёлардан биргаликда фойдаланиш бўйича жаҳон тажрибаларини синчковлик билан ўрганиб чиққан ҳолда, Марказий Осиё трансчегаравий дарёларига доир баҳсмунозараларда тезроқ халқаро ҳуқуқ меъёрларига ўтиш маъқул, деган таклифни баён этади.

Россия Фуқаролик телевидениеси бош муҳаррири Марат Хайруллин ўз мақоласида муаллиф позициясини тўла қўллаб-қувватлайди. Дарҳақиқат, “Роғун муаммоси, бу фақат Тожикистоннинг ички масаласи эмас, негаки, Марказий Осиё, ифодали қилиб айтганда, экологик ўзгаришларни ўта сезгирлик билан ҳис этадиган минтақа ва ўйланмай қилинган ҳар бир аралашув глобал бўҳронларга олиб келиши мумкин”.

— Ўтмишда бундай ҳолатлар рўй берган — лоақал Орол денгизини ёдга олайлик. Роғун ГЭСининг қурилиши ҳам тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши муқаррар. Боз устига, минтақада сувдан фойдаланиш мувозанати бузилади, миллионлаб одамлар тирикчилик манбаларидан маҳрум бўлади. Бундан ташқари, кутилаётган техноген хавфхатарнинг даражаси ҳам ниҳоятда юқори — тўғон сейсмик ҳолати ниҳоятда беқарор бўлган жойда қад ростламоқда, — дейди журналист.

“Шунингдек, тўғон қурилишининг сифати ҳам мутахассисларда жиддий саволларни туғдираяпти. Қолаверса, Роғун ГЭСи пудратчилари ва қурилиш ташкилотлари орасида коррупция энг хатарли даражаларга кўтарилганлигини ҳам кўпдан-кўп далиллар тасдиқлайди. Бундай ҳолатларнинг барчаси бирлашиб, жаҳон миқёсидаги техноген ҳалокатни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас”, дея ўз фикр-мулоҳазаларини якунлайди Марат Хайруллин.

Манба: www.cpkr.ru

Самарқанд анжумани – ОАВ фаолиятини эркинлаштириш йўлидаги муҳим қадамдир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унинг фикрича, матбуотни демократлаштириш ҳамда либераллаштириш — Концепцияда соҳага доир белгиланган барча вазифаларни тўлиқ рўёбга чиқаришдек асосий мақсадга эришишда ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга.

“Бугунги тадбир мавзуси ўта долзарб ва айни пайтда ушбу масалага талаб катта. Анжуманда оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, хусусан, уларнинг иқтисодий эркинлиги масаласи кенг муҳокама қилинди. Бу эътиборга молик масаладир, чунки қулай иқтисодий вазият ҳар қандай тузилма фаолиятининг сифатини оширишга хизмат қилади”, дея таъкидлади И. Венцель.

— ЕХҲТ оммавий ахборот воситаларининг салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича Ўзбекистон билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган, — деди у жумладан. — Хусусан, электрон оммавий ахборот воситаларининг ёш журналистларида малакавий-техник кўникмаларни шакллантириш борасида биргаликда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Ўмид қиламанки, бизнинг ҳамкорлигимиз ҳамда Ўзбекистонда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича боскичма-босқич олиб борилаётган ишлар, албатта, ўз натижасини беради. Бу эса жамоатчиликка ўз вақтида ва ҳаққоний ахборот етказиб бериш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Табиийки, мазкур жараён давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга хизмат қилиши билан бирга, давлат идоралари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ижобий ҳисса қўшади”, дея ўз фикрини якунлади И. Венцель.

Франция геосиёсат институти етакчи эксперти, Европа халқаро муносабатлар институтининг геосиёсий тадқиқотлар бўйича директори Пьер-Эммануэль Томаннинг фикрича, халқаро экспертлар иштирокида бу каби тадбирларнинг ўтказилиши турли мамлакатлар билан тажриба ва ғоялар алмашинишда жуда самаралидир.

“Бугунги оммавий ахборот воситалари фаолияти масалаларининг муҳокамаси нафақат ушбу соҳадаги мутахассислар, балки хатолар устида фикр алмашишга имкон беради, қолаверса, хато устида доимий ишлаш тараққиёт гаровидир”, дея қайд этди эксперт.

У, шунингдек, Ўзбекистонда турли соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаётганини алоҳида таъкидлади.

Унинг фикрига кўра, “Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнига эътибор қаратмоқ жоиз. Ўзбекистон — бой маданият, анъаналар ва урф-одатларга эга кўп миллатли мамлакат. Шундай экан, бу ўринда оммавий ахборот воситаларининг кўп қирралилигини таъминлаш жуда муҳимдир”.

Экспертнинг фикрича, сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларни ҳал этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ниҳоятда катта.

Тадбирда иштирок этишга яратилган имконият учун миннатдорлик билдирар экан, **Болгария миллий телевидениеси бошқармаси аъзоси, мамлакат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш маркази бошқарувчи директори Огнян Златев** Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари соҳасини демократлаштириш ва либераллаштиришдаги ютуқларига юксак баҳо берди.

Унинг фикрича, ушбу конференциянинг долзарблиги шундаки, бугунги ҳаёт жадал суръатларда ривожланиб бораётган ахборот технологиялари билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳуқуқий асосларни таъминлаш ва тегишли қонунларни қабул қилиш мазкур соҳанинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

Саксония Ери Бош вазири маъмуриятининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими раҳбари Штеффан Гросс (ГФР) Ўзбекистонда айрим ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, оммавий ахборот воситаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилаётганини қайд этди.

“Биз Ўзбекистон билан кўплаб йўналишларда ҳамкорлик қилишимиз мумкин. Булар, хусусан, матбуот ҳуқуқи, истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқлари ва бошқалардир. Ўзбекистоннинг моддий-техник таъминот, тренинг ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги тажрибаси Германияникидан қолишмайди. Биз электрон оммавий ахборот воситалари соҳасида, интернет ҳамда бошқа кўплаб йўналишларда тажриба алмашишга тайёрмиз”, деди Ш. Гросс.

Шунингдек, у оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга сармояларни ҳамда ёшларни жалб этиш муҳим омил эканини, қолаверса, ёш авлод мазкур соҳани ҳаракатга келтирувчи асосий куч саналишини таъкидлади.

Ҳиндистоннинг www.sarkaritel.com ахборот-таҳлил интернет сайти бош муҳаррири Амея Сатае Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган ишларни юқори баҳолади.

У, хусусан, мазкур соҳа мамлакат келажагини шакллантириш ва аниқлаб олишда етакчи ўринга эга экани ҳақида сўз юритди. Унинг фикрига кўра, давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган энг долзарб масалалар ҳаққоний ва ўз вақтида ёритилиши лозим. Бутун дунёга таниқли нашр ва телевидениелар журналистлари иштирокида бу каби халқаро тадбирларнинг ўтказилиши мамлакатда мазкур соҳани ислоҳ қилишга ёрдам беради.

“Мен оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигимиз янада ривожланишини ва бу каби анжуманлар нафақат Ўзбекистонда, балки Ҳиндистонда ҳам ўтказилишини истардим. Тажриба алмашиш мамлакатларимиз журналистлари фаолиятларининг самарадорлиги ва унумдорлигини оширишга хизмат қилади”, деди А. Сатае.

Халқаро ва минтақавий долзарб масалаларнинг ечимини топишда оммавий ахборот воситаларининг роли хусусида тўхталар экан, А. Сатае муаммоли мавзуларни ҳаққоний ва ишончли тарзда ёритиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Хусусан, у трансчегаравий дарёлар сувларидан оқилона фойдаланиш масалалари, минтақадаги сейсмик фаол ҳудудда йирик сув иншоотларининг қурилиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида кенг жамоатчиликка етказиш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Худди шу фикрни **Озарбойжоннинг Матбуот бўйича кенгаш раиси Афлотун Амешев** ҳам тасдиқлади. Унинг фикрича, оммавий ахборот воситаларининг трансчегаравий дарёларда йирик ГЭСлар қурилишининг нафақат минтақадаги айрим мамлакатлар, балки бутун Ўрта Осиёга салбий таъсири тўғрисида дунё жамоатчилигига ҳаққоний ахборот етказиб беришини йўлга қўйиш зарур.

Анжуман якуни хусусида сўз юритар экан, А. Амешев унинг уюштирилиши жуда муҳим воқеа бўлганлигини таъкидлади. “Чунки ахборот ва сўз эркинлиги демократиянинг асоси ҳисобланади”, деди у, жумладан. Экспертнинг таъкидлашича, мазкур анжуман нафақат Ўзбекистон ва Озарбойжон, балки бошқа хорижий мамлакатлар эксперт-таҳлилчи ва жамоатчилик доиралари ўртасида узоқ муҳокама этилади. Шунингдек, ушбу тадбир оммавий ахборот воситалари фаолиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашишда муҳим омилдир.

Литва журналистлар уюшмаси раҳбари Дайнюс Радзявичус дунёнинг турли мамлакатларидан келган касбдошлари билан тажриба алмашишга кенг имконият яратиб берган мазкур халқаро анжуманнинг аҳамиятини юқори баҳолади.

У оммавий ахборот воситаларининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, шунингдек, ахборот ва сўз эркинлиги демократиянинг мустаҳкам пойдевори эканлигини қайд этди. “Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ва ўрни қўллаб-қувватланиши, шубҳасиз, юқори баҳога муносибдир”, деди у, жумладан.

Киев халқаро муносабатлар институтининг халқаро ахборот кафедраси мудири Николай Рижков мазкур анжуманнинг юксак ташкилий даражада бўлиб ўтганини алоҳида таъкидлади.

— Биз чет эллик экспертлар маърузалари билан танишдик, турли масалаларда ўзаро фикр алмашдик. Тадбир доирасида маҳаллий телевидение, даврий нашрлар фаолиятини кўздан кечирдик. У ерлардаги учрашувлар менда катта таассурот қолдирди, — деди эксперт. — Бу каби анжуманларнинг ўтказилиши, дунёнинг турли мамлакатларидан келган экспертлар ўртасида фикр алмашишлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва либераллаштиришда қўл келиши шубҳасиз.

Украиналик экспертнинг фикрича, Орол денгизи минтақаси атрофида рўй берган экологик вазият жиддийлиги мисолида дунё жамоатчилигининг эътиборини трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш масаласига жалб этиш керак. Орол денгизига қуйиладиган дарёларда йирик ГЭСлар қуриш ушбу муаммони ечиш жараёнини янада оғирлаштириши ҳақида нафақат сиёсатчилар ва олимлар, балки минтақадаги экологик вазият тўғрисида инсонларга тўлиқ ҳамда ишончли маълумотларни етказиб беришга масъул бўлган оммавий ахборот воситалари ҳам бонг урмоғи даркор. “Ҳар қандай мамлакатнинг ички манфаатлари инсониятнинг глобал манфаатларидан юқори бўлмаслиги керак”, дея ўз фикрини якунлади Н. Рижков.

«Жаҳон» АА.
Самарқанд

ЖАҲОН 24 соат ичида

Иш ўринлари қисқартирилади

Буюк Британиянинг “Lloyds” банки мавжуд иш ўринларини 15 мингтага қисқартиришини маълум қилди.

Ушбу ташаббус молия муассасасининг янги бош директори Антонио Орта-Осорио томонидан илгари сурилган. У банк фаолиятини жонлантириш ҳамда харажатларни тежаш мақсадида ана шундай тўхтамга келинганини билдирган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Буюк Британия ҳукумати “Lloyds”ни сақлаб қолиш учун катта миқдорда сармоя ажратган эди. Бунинг эвазига ҳукумат унинг 41 фоиз акцияларига эгалик қила бошлаган.

Тамаддихонада портлаш

Нигериянинг Майдугури шаҳрида кучли портлаш содир бўлди.

Бу ҳақда “France Presse” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Асосан, ҳарбийлар кирадиган тамаддихонада юз берган хунрезлик оқибатида 10 нафар одам ҳаётдан кўз юмган, бир неча киши эса тан жароҳати олган. Бундан ташқари, шанбадан якшанбага ўтар кечаси ушбу шаҳарда юз берган отишма туфайли тўққиз киши ҳалок бўлган.

Мазкур қабиҳликларни “Боко Харам” жангарилар гуруҳи ўз зиммасига олган.

Дарёдаги қора доғлар

“РБК” ахборот агентлигининг хабар беришича, АҚШдаги Йеллоустоун дарёсига қарийб 160 минг литр нефть тўкилиб кетган.

Натижада 40 километр узунликдаги сув юзасида “қора олтин” доғлари ҳосил бўлган. Бунга “ExxonMobil” нефть компаниясига қарашли қувурнинг ёрилиб кетиши сабаб эканлиги айтилмоқда. Манбада қайд этилишича, мазкур ҳодиса Монтана штати аҳолиси ва маъмуриятининг жиддий норозилигини келтириб чиқарган. Шу боис компаниядан зудлик билан дарёга тушган нефтни йиғиб олиш талаб қилинмоқда. Компания маъмурияти ушбу кўнгилсизлик учун аҳолидан узр сўраган.

Энг қиммат савдо белгиси

Буюк Британиянинг “Campaign” журнали олиб борган сўровномада Японияниг “Sony” корпорацияси Осиёдаги энг қиммат савдо белгиси сифатида тан олинди.

Экспертларнинг фикрича, “Sony” яқинда хакерлар ҳужумига учраган бўлса-да, унинг бундай юқори поғонадан жой олиши кутилмаган воқеа ҳисобланади. Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, ўшанда кибержиноятчилар корпорация базасига кириб, 100 миллион нафар фойдаланувчининг шахсий маълумотларига зарар етказганди. Ундан кейинги юқори ўринларни “Panasonic”, “LG”, “Samsung” ва “Canon” каби компаниялар банд этган.

Австралия, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Гонконг, Малайзия, Сингапур, Тайвань, Жанубий Корея ва Таиланд мамлакатларида ўтказилган мазкур сўровномада 3322 нафар истеъмолчи қатнашган.

Ибодатхонадаги хазина

Ҳиндистоннинг Керила штатига қарашли Тривандрам шаҳридаги ибодатхонада қадимий олтин тангалар, қимматбаҳо тошлар ва зебу зийнатлар яширилган ер ости омбори топилган.

Манбага кўра, умумий қиймати 22 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган ушбу хазина бир неча асрдан буён сақлаб келинган. Штат полиция бошлиғи мазкур ибодатхонани қўриқлаш учун махсус гуруҳ жўнатилганини ҳамда замонавий хавфсизлик тизими ўрнатилишини маълум қилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурини амалга ошириш учун қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари қабул қилинади:

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни татбиқ этиш ва қўллаб-қувватлаш;

— аҳоли ўртасида янги бизнес тури — оилавий бизнесни ривожлантириш, касаначиликни ривожлантириш учун ўқув ва консультатив курсларни ташкил қилиш;

— аҳоли бандлигини яхшилаш ва даромадларини ошириш мақсадида ёшлар, аёллар ва жисмоний имкониятлари чекланган шахсларни кичик бизнес, тадбиркорлик, халқ ҳунармандчилигига жалб қилиш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тайёрлаш, қайта ўқитиш, малакасини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, оилавий бизнес субъектлари орасида ҳамкорлик (кооперация) алоқаларини ривожлантиришда кўмаклашиш;

— қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчилар орасида кооперация алоқаларини мукаммаллаштириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

1.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига ариза билан ихтиёрий шаклда тузилган кузатувчи хат;

2.Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида келтирилган шаклида грант лойиҳасининг аризаси;

3.Ташкилотнинг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4.Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳамма ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган грант миқдори – 15 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2011 йил 1 август соат 16-00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): “100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй” манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт. Ҳужжатлар юборилган санаси почта муҳрига қараб эътиборга олинади. Ҳужжатларни бевосита Жамоат фондига топширишда, улар ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) соат 09-00 дан 17-00 гача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Рухсатномалар бюросида қабул қилинади.

Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-64; 239-26-76).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг “Ўсиб келаётган авлоднинг баркамол ривожланишига, мустақил фикрловчи, ўзининг шахсий ҳаётий позициясига ва мустақил эътиқодга эга бўлган ёшларни тарбиялашга, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашиш” мавзуига бағишланган қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари қабул қилинади:

— ёшларни ҳаёт талаб қиладиган касбларга ўқитиш, олий ўқув юртлари, профессионал коллежлар, академик лицей битирувчиларини, айниқса, кичик шаҳарларда ва қишлоқ жойларда ишга жойлаштириш;

— ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратишга доир ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш;

— ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, мамлакатнинг тарихий бой меросига уларни жалб қилиш;

— ёшлар ташкилотларининг болаларда мусиқа, рассомчилик, санъат ва маданиятга бўлган қобилиятларини эрта аниқлашда ва ривожлантиришдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

— иқтидорли, қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга фаол жалб қилиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш;

— ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, зарарли таъсирлардан, ташқаридан кириб келувчи паст савиядаги турли «оммавий маданият» таҳдидлари ва таъсирларидан асраб қолиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

1.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига ариза билан ихтиёрий шаклда тузилган кузатувчи хат;

2.Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида келтирилган шаклда грант лойиҳасининг аризаси;

3.Ташкилотнинг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4.Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳамма ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган грант миқдори – 15 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2011 йил 1 август соат 16-00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): “100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй” манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт. Ҳужжатлар юборилган санаси почта муҳрига қараб эътиборга олинади. Ҳужжатларни бевосита Жамоат фондига топширишда, улар ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) соат 09-00 дан 17-00 гача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Рухсатномалар бюросида қабул қилинади.

Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-64; 239-26-76).

Модернизация

Салкам минг киши ишли бўлди

Янгийўл туманидаги “Kinder fruits” масъулияти чекланган жамиятида замонавий технология асосида мева-сабзавот пюрелари тайёрлаш ўзлаштирилди.

Бунинг учун шаҳардаги эски консерва заводида банкнинг 4 миллиард 650 миллион сўмлик кредити ҳисобига кенг кўламли модернизация тадбирлари амалга оширилди

Айтиш керакки, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида туманда 4 та саноат корхонаси фойдаланишга топширилиши туфайли 975 та иш ўрни яратилди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

UZTRANSGAZ
JOINT-STOCK COMPANY АКСИАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ҳурматли юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрига қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

754R/667

ТУРАЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ККС билан кўшиб ҳисобланган)

ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 400 000 сўмдан бошлаб.

– ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 550 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги – ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.

Тўғри бурчак кесимдаги – ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60,40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.
Devor qalinligi 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 590 000 сўмдан бошлаб.

– Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 qalinligi 0,4-3,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

– Қозоғистонда ишлаб чиқарилган. Баҳоси 1 тн. учун 3 350 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР ЧЕГИРМАЛИ ТАЛАБЛАР.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

«Potolok-stroy-servis» ХК

Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари

600 х 600 мм,
610 х 610 мм.

Ассортимент 22 турда.

Тел.: 325-37-77, 370-90-95.

ADOLAT SOQCHISI АДВОКАТЛИК БЮРОСИ

Ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилинг!

- Ҳар хил турдаги қарздорликларни ундириш (шу жумладан, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш).
- Ҳўжалик, фуқаролик, жиноий ва маъмурий ишларда иштирок этиш.
- Ҳўжалик юритувчи субъектларга ва жисмоний шахсларга юридик хизмат кўрсатиш.
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, божхона, солиқ ва бошқа органлар томонидан текширув ўтказилаётган пайтда иштирок этиш.
- Оилавий муаммолар, мол-мулкни бўлиш, ниҳоядан ажралиш, мерос билан боғлиқ, мулк масалалари, шартномавий муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича юридик маслаҳатлар бериш, шунингдек, барча турдаги битимлар тузиш учун зарур ҳужжатлар тўплаш.

Юридик маслаҳатларни бериш ва ишларни ташкил этиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва судда кўп йиллик амалий тажрибага эга.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

юридик фанлари доктори, профессор Назаров Юсуф Бозорович томонидан таъминланади.

Ишончли ва кафолатли

Манзил: Тошкент шаҳри, Ялғибоғ кўчаси, 1-уй.
Тел.: (+99694) 555-48-18; (+99871) 289-51-34, (+99897) 401-98-81. Факс: (+99871) 140-06-85.
E-mail:adolatsoqchisi@mail.ru

Чўл бағридаги гўзал маскан — Зарафшоннинг табиати ўзгача. Унинг ҳар тунию куни бетакрорлигини, файзу латофатга бойлигини узоқ кенгликларни, бепоён даштни босиб ўтиб, ҳориб-чарчаб келган йўловчигина яхшироқ англайди. Шаҳарнинг салқин хиёбонлари, сўлим боғларини кезганда кишининг танаси, руҳи ором олади, кўнгли завққа тўлиб, вужудидаги чарчоқларни унутади.

ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТ

муваффақиятлар гарови бўлмоқда

Шаҳар кўчалари эрта тонгда янада фусункор бўлади. Йўлакларни болалар, ёшлар тўлдиришади. Бир зумда стадионлар, спорт майдончалари улар билан гавжумлашади. Кимдир югуради, яна кимдир жисмоний тарбия машқларини бажаради.

— Мамлакатимизда жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим жиҳати сифатида эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Зарафшон шаҳридаги вакили Учқун Очилов. — Бу бежиз эмас, албатта. Чунки миллатимизнинг эртанги куни, келажаги бугун улғаяётган фарзандларимиз тақдири билан узвий боғликдир.

Соғлом авлодни вояга етказишда эса спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис ўғил-қизларимиз онгида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Масалан, ҳозир юртимизнинг ҳар бир шаҳар ва туман маркази, олис қишлоқларида замон талабларига жавоб берадиган спорт мажмуалари ишлаб турибди. Президентимизнинг 2010 йил 5 майдаги “Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори болалар спортини янада оммавийлаштириш ҳамда спорт мажмуалари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилаяпти.

Мазкур қарорнинг ижроси юзасидан Зарафшон шаҳрида ўқувчи-ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, умумтаълим мактаблари ҳамда болалар спорти объектларини зарур ускуналар ва анжомлар билан жиҳозлаш, юқори малакали, профессионал мураббий кадрлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари, шу жумладан, хотин-қиз мураббийлар билан таъминлаш борасида барча имкониятлар ишга солинаяпти. Масалан, шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ҳудуддаги таълим муассасаларига ўтган йил мобайнида 96,3 млн. сўмлик, 2011 йилнинг биринчи чорагида эса 15,4 млн. сўмлик спорт анжомлари ва жиҳозлари олиб келинди. Яратилаётган бундай беқиёс имкониятлар таълим муассасалари ҳамда спорт иншоотларида спорт билан шуғулланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилаяпти. Мамлакат, қитъа, жаҳон чемпионатлари ва кўплаб халқаро миқёсдаги мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритаётганлар орасида зарафшонлик спортчиларнинг сафи тобора кенгайиб бораётгани ҳам соҳага кўрсатилаётган эътибор мевасидир. Эришилаётган ютуқлар, айниқса, спортнинг волейбол, баскетбол, енгил атлетика, кураш сингари турлари бўйича ташкил этилаётган беллашувларда яққол кўзга ташланади.

Болалар спорти

Навоий давлат кончилик институтининг Зарафшон умумтехника факультети талабаси Истам Қудратов спортнинг самбо тури билан шуғулланади. У республика миқёсида ўтказилган бир неча мусобақалар ғолиби, 2010 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида уюштирилган Осиё чемпионатининг бронза медали соҳиби. Ўтган йилнинг кузида Тбилиси шаҳри мезбонлик қилган жаҳон чемпионатида эса 42 давлат полвонлари орасида биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Истам бу ютуқлари эвазига Литванинг Вильнюс шаҳрида ташкил этиладиган жаҳон чемпионати, 2012 йилнинг март ойида Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида бўладиган Марказий Осиё чемпионатида катнашиш учун йўлланмани нақд қилиб қўйди.

Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Достон Қосимов ўтган йили Сербиянинг Белград шаҳрида спортнинг кикбоксинг тури бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этди. 1800 нафар ёш спортчи қатнашган муросасиз курашларда у ўз вазн тоифаси бўйича учинчи ўринни эгаллади.

Мактаб ўқувчиларининг ҳам акалари ортидан эргашаётгани қувонарли. 13-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ғофир Актамов 2010 йилнинг октябрь ойида Ангрен шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида спортнинг самбо ва дзюдо турлари бўйича ғолибликни эгаллаган бўлса, мазкур мактабнинг яна бир ўқувчиси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Моҳинур Қаҳрамонова шахмат бўйича Ҳиндистон, Вьетнам давлатларида уюштирилган нуфузли мусобақаларда фаол қатнашиб, совриндорлар сафидан жой олди.

Шаҳардаги “Қурувчи” спорт мажмуасида кўплаб тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Уларга жалб этилаётган ёшларнинг жаҳон спорт майдонларига йўл олаётгани қувончлидир. Айниқса, бу борада оғир атлетика тўгарагида иштирок этаётган қизлар эришаётган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Масалан, Маҳлиё Тоғаева Тошкент шаҳри ва Дубай шаҳри мезбонлик қилган Осиё чемпионатлари, Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган Ўзбекистон биринчилигида иштирок этди. Қувонарлиси, у учала мусобақада ҳам ғолиблик нашидасини сурди. Ушбу спорт мажмуасининг яна бир тарбияланувчиси — Лола Қодирова эса республика миқёсидаги бир қанча мусобақаларда совринли ўринларга сазовор бўлди.

Қисқаси, Зарафшон бугун нафақат саноатчилар, балки спортчилар шаҳрига ҳам айланиб бораяпти. Бу ерда болалар спортини ривожлантириш, ёшларни оммавий равишда жалб этиш, уларни соғлом қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга моликдир.

А. САТТОРОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Жумладан, солиқ тўловчиларга ўндан ортиқ интерактив, яъни қоғозсиз, масофали хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳисоботларини солиқ идораларига электрон кўринишда юбориш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида «БЭМ — бухгалтерга электрон мадад» дастурий маҳсулоти яратилиб, амалиётда кенг қўлланмоқда.

Тизимда жорий қилинган корпоратив ахборот тармоғи орқали солиққа оид ва бошқа хизмат маълумотлари узатилиши йўлга қўйилди. Узатилаётган ахборот ҳажмининг йил сайин ўсиши мобайнида ўзаро ахборот алмашиш тизими ҳам мунтазам такомиллаштирилмоқда. Шу мақсадда 2009 йилда корпоратив алоқа канали тармоғини модернизация қилиш ва ер усти каналларига ўтказиш ишлари маълум оширилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат солиқ бошқармалари ва улардаги 194 туман, шаҳар давлат солиқ инспекциялари оптик толали алоқа жиҳозлари билан таъминланди. Натижада давлат солиқ инспекцияларида маълумотларни узатиш тезлиги қарийб 35 баробар, ҳудудий солиқ бошқармаларида эса 71 баробар ошди. Солиқ тўловчиларга электрон рақамли имзо бериш ва ҳисоботларни электрон кўринишда қабул қилиш, интерактив хизматлар кўрсатиш янада жадаллашди.

Сўнгги йилларда нақд пул тушумлари тўғрисида тезкор маълумотларни қабул қилиб, ҳудудларга автоматик равишда жўнатувчи «Нақд пул тушумлари ҳисобини юритиш», «Солиқ декларацияларини электрон тарзда топшириш», «Банк — ДСҚ» каби дастурий маҳсулотлар яратилди. Бу нафақат моддий ресурсларни тежаш, балки вақтдан унумли фойдаланиш имконини ҳам бераётир. Солиқ тушумлари ҳақидаги банк маълумотлари «Банк — ДСҚ» дастури орқали солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига автоматик равишда киритилмоқда. Бунинг учун илгари 8-10 соат сарфланган бўлса, ҳозир бунга 4-5 дақиқа кифоя. Шунингдек, «Давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларга тушумлар ҳисобини юритиш 1-Н» дастурининг жорий этилиши солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кунлик тушумлар ҳисобини юритиш ишларини автоматлаштиришда қўл келмоқда.

Яна бир дастурий маҳсулот — «Текширишлар режа-жадвалини шакллантириш» ходимлар иш унумини ошириб, вақтнинг тежалишига хизмат қилаётир. Мисол учун, текширишларни мувофиқлаштириш ишлари билан шуғулланувчи 242 нафар ходим бир йилда ўрта ҳисобда 8 минг 716 соат иш вақти сарфлаган бўлса, дастур амалиётга жорий этилгандан кейин бу вақт 1075 соатгача қисқарди, яъни 7 минг 641 соат тежалди.

Ушбу дастурий маҳсулотлар янада такомиллаштириб, кўп функцияли дастурий мажмуаларга бирлаштирилмоқда. 2011 йилнинг биринчи чорагида солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари ҳисобини юритиш ишларини автоматлаштириш, ҳисобот ва статистик маълумотларни олиш имкониятини берувчи «Солиқ инспекторининг автоматлаштирилган иш жойи» дастурий мажмуаси барча давлат солиқ инспекцияларида жорий этилди.

Илгари бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга инкасса топшириқномаларини қўйиш учун 1,5 мингга яқин солиқ инспектори жалб этилар эди. «Солиқ қарзини электрон инкасса топшириқномалари орқали ундириш» дастурий маҳсулоти амалиётга жорий этилгач, буни ҳар бир инспекцияда бир ходим уддаламоқда. Қолаверса, 2010 йил давомида 3256 мингта инкасса топшириқномаларини чоп этиш учун 6512 минг дона қоғоз ҳамда принтер техникаси, бутловчи материаллар учун 250 миллион сўм сарфланган бўлса, бу жараён электрон шаклга ўтказилиши натижасида 35-40 тонна қоғоз тежалди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августда қабул қилинган «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида Давлат солиқ қўмитасига 10 турдаги интерактив давлат хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш вазифаси юклатилган эди. Бу вазифанинг бажарилиши натижасида солиқ тўловчилар ўз офисларида туриб, давлат солиқ органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш, уларга расман мурожаат этиш, ўзаро ҳисоб-китоблар ва солиқ солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар олиш, молиявий ва солиқ ҳисоботларини ҳамда йиллик даромадлар тўғрисидаги декларацияларини электрон шаклда тақдим этиш имконига эга бўлди.

Бунинг учун солиқ тўловчилардан электрон рақамли имзо талаб этилади. Ушбу хизмат йўлга қўйилгач, рўйхатга олинган электрон рақамли имзолар сони 2008 — 2010 йиллар мобайнида 5,7 баробар ошган бўлса, солиқ ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этган корхоналар сони сўнгги уч йил мобайнида 13,8 баробар кўпайди.

Маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида солиқ тўловчиларни рўйхатдан ўтказиш юзасидан аризаларни қабул қилиш, идентификация рақамини бериш ҳамда уларнинг маълумотларига ўзгартиришлар киритиш бўйича интерактив давлат хизматидан самарали фойдаланилмоқда. Бу усул солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган сўровномаларни интернет ёрдамида тез ва сифатли қабул қилиш, улар асосида янги рўйхатдан ўтаётган юридик ҳамда жисмоний шахсларга шу заҳотиёқ идентификация рақами бериш каби қатор афзалликларга эга.

Тизимдаги интерактив хизматлар, жумладан, молия ва солиқ ҳисоботларини электрон шаклда интернет орқали жўнатиш тизими «Uzinfocom» маркази томонидан ўрганилиб, ижобий хулоса берилган. Улар ҳақида барча маълумотлар Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz расмий сайтига жойлаштирилган. Ушбу сайтга мурожаат этувчилар сони сўнгги уч йил давомида 4 баробар ошган.

Қоғозсиз ҳужжат алмашинувининг жорий этилиши, бошқа соҳаларда бўлгани каби, Давлат солиқ хизмати органларида ҳам ишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири.

МАДАНИЯТ
хабарлари

«Қувноқлар ва зукколар»

“Камолот” ЁИҲ Марказий кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган “Қувноқлар ва зукколар” кўрик-танловининг якуний босқичи Бухорода ўтказилди.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, истеъдодли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган танловда Тошкент ахборот технологиялари университетининг “ДДД”, Фарғона политехника институтининг “Фарпинатор”, Нукус давлат педагогика институтининг “Турон”, Бухоро давлат университети “Афандининг жиянлари”, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг “Омадли жентльменлар”, “Пахтакор” ишқибозлар клубининг “Пахтакор” жамоалари ўзаро беллашдилар.

Якунда “Омадли жентльменлар” жамоасига биринчи ўрин насиб қилди. “ДДД” ҳамда “Пахтакор” жамоалари кейинги поғонани эгаллади. Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қадриятлар намойиши

Урганч шаҳрида “Оналар куйлаганда” номли алла, ёр-ёр, лапар, айтишув ва ўлан ижрочилари кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Миллий қадриятларимизни тиклаш, айниқса, ёш авлодни бой маданий меросимиз билан таништириш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда 72 нафардан ортиқ онахон ва келинчакларимиз халқ ижодиётининг ранг-баранг намуналарини ижро этишди.

Қизиқарли ўтган танлов якунида Урганч шаҳри жамоаси биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Ғолиблар танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЁШ ОЛИМЛАРНИНГ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ

илм-фан тараққиётига хизмат қилмоқда

Илм йўлини танлаган киши борки, яратилган шароитдан оқилона фойдаланган ҳолда фан-техника тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга интилади. Биз, ёш олимлар ҳам мамлакатимизда илм-фан ривожига қаратилаётган юксак эътибор, яратилган беқиёс имкониятларга жавобан, катта ютуқ ва муваффақиятларга эришиш учун астойдил изланмоқдамиз.

Ўзим ҳам Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Микробиология институтида катта илмий ходим ҳамда “Ёш олимлар” илмий кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатаман. Илм даргоҳимизда ёш тадқиқотчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Хусусан, йил бошида институтимиз “Ёш олимлар” кенгаши йиғилишини ўтказдик. Унга кўра, тадқиқот масканида хорижий тиллар клубини ташкил этиш, ёш тадқиқотчилар учун махсус семинар-тренинглар ўтказиш, “Энг яхши илмий раҳбар” ва “Энг фаол тадқиқотчи” номинациялари бўйича устоз-шогирдларни тақдирлаш, олимлар учун турли маданий тадбирлар ва саёҳатлар уюштиришга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Айни пайтда бу борадаги ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, бу ерда ихтиро ва лойиҳаларни илмий жиҳатдан асослаб, микробиология ва биотехнология соҳаларини чуқур тадқиқ қилишимиз учун барча имкониятлар етарли. Аслида, микробиология фанида кўзга кўринмас микроорганизмлардан саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларида қўл келадиган жуда кўплаб ферментларни синтез (ажратиб олиш) қилиш мумкин. Шахсан ўзим номзодлик илмий тадқиқотимда фармацевтика, қандолатчилик, сут оқсилини парчалаш, қоғоз саноати, сифатли спирт олиш, терини ошлаш, чиннисозлик, тўқимачилик соҳаларида қўлланиладиган протеаза ва альфа-амилаза ферментларининг ҳар иккисини ҳам битта микроорганизмдан ажратиб олиш мумкинлигини исботладим. Ушбу ферментлар пойтахтимизнинг кичик корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараёнларида муваффақиятли синовдан ўтказилди. Қувонарлиси шундаки, кашфиётни амалиётда қўллаган ишлаб чиқарувчилар хориждан сотиб олинадиган хом ашёга нисбатан ўзимизда ажратиб олинган фермент сифати ва самарадорлиги жиҳатидан анчайин юқори эканлигини эътироф этишди. Чунки ажратиб олинган протеаза ферменти сутни қайта ишлашда, яъни ундаги оқсилни парчалаб, бифидобактериум ҳосил қилишда қўлланилди. Натижада, хориждан олинадиган панкреатин сут оқсилини 14-18 соатда парчалаши кузатилган бўлса, янги маҳаллий фермент 6-8 соат ичида кутилган самарани берди.

Интилиш

...Сўнгги уч йил давомида Тошкент Фармацевтика институтида ҳам ёшларга сабоқ бераётганим боис фармацевтик биотехнология йўналишида тадқиқот олиб боришга қизиқишим ортмоқда. Яқинда институтдаги бир гуруҳ ёшлар билан биргаликда янги бир тадқиқот устида иш бошладик. Илмий ишимиздан кўзланган мақсад, меъда ости бези хасталикларини даволашда ишлатиладиган дори воситаларининг зарур ферменти (панкреатин)ни қорамолнинг меъда ости безидан ажратиб олишдир. Гап шундаки, дори саноатимизда ушбу фермент хориждан катта маблағ эвазига харид қилинади. Уни ўзимизда тайёрлаб, саноатга татбиқ этиш эса бирмунча арзонга тушади. Шу боис келгусида одам организми иммун тизимини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган янгидан-янги ферментларни кашф этиш ниятидамиз. Негаки, ҳар қандай касаллик келиб чиқишининг олдини олиш учун танамизни хасталантириши мумкин бўлган бактерияларга қарши курашувчаликни кучайтириш, яъни организмнинг иммунитетини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Эл саломатлигини асраш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш устувор мақсадимиз экан, демак, бу йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалиётга кенг татбиқ этишга астойдил ҳаракат қилишимиз лозим.

Қундуз НОРМУРОДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Микробиология институти катта илмий ходими.

КЕЛАЖАК ВОРИСЛАРИ

Уларнинг билим олишлари, баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар муҳайё этилган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қалин матодан тикилган халтага китоб-дафтарларимизни солганча, тупроқ кўпчиган йўллар оралаб олисдаги мактабга қатнардик. Бунақа шароитда ким ҳам билим олишни истарди, дейсиз. Шукрки, фарзандларимиз ҳозир бутун дунё аҳли ҳавас қилса арзийдиган ўқув даргоҳларида таълим олишаяпти. Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам туманимизда бирор бир мактаб битирувчиси пойтахтдаги олий ўқув юртига киргудай бўлса, атрофда шов-шув бўларди. Эндиликда эса битирувчиларимиз нафақат юртимизда, балки жаҳон миқёсида энг нуфузли саналган олий ўқув юртларига юқори балл тўплаб ўқишга кирмоқдалар. Янада қувонарлиси, иқтидорли ўғил-қизлар республика ва халқаро фан олимпиадаларида, спорт мусобақалари ва санъат анжуманларида иштирок этиб, фахрли ўринларга, эътирофу олқишларга сазовор бўлмоқда.

Мактабимиз ўқувчилари орасида ҳам ана шундай истеъдодли ёшлар кўп. Бундан тўққиз йил муқаддам фаолият бошлаган мазкур ўқув даргоҳини шу кунга қадар 558 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг 421 нафари, яъни етмиш беш фоизи олий ўқув юртларида таҳсил олди. Юздан зиёд ўқувчиларимиз республика ҳамда жаҳон олимпиадалари, спорт беллашувларида совриндорлар сафидан жой эгалладилар. Бундай ижобий натижалар, шак-шубҳасиз, келажагимиз ворисларининг эртанги фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилаётган юксак эътибор самарасидир. Чунки фарзандларимиз меҳр ва ғамхўрликни ҳис этиб, ўзларига билдирилаётган ишончга муносиб бўлиш мақсадида юксак марраларга интилмоқдалар. Ёшларга хос бундай шижоат куни келиб, янада катта ютуқларга айланиши ҳақида ўйлаш эса инсонни фидойи меҳнат сари ундайверади.

Камолиддин ҒОФУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Шаҳрихон туманидаги 53-умумтаълим мактаби директори.

Яхши хабар

Кармананинг обод маҳалласи

Кармана туманидаги “Тошработ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан еттита маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, бу ерда маҳалла гузари, тўйхона бинолари ҳам қад ростлади. Бу хайрли ишлар учун уч юз миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Мазкур янги иншоотлар иш бошлаши билан маҳалладаги 17 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО

(5 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 21-26, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 19-24, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 19-24, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 21-23, кундузи 37-40 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Спорт

Халқаро мусобақага йўлланма

Косонсой туманида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган кўзи ожиз спортчилар ўртасида шашка бўйича республика биринчилиги ўтказилди.

Мусобақада мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган 46 нафар спортчи ғолиблик учун ўзаро куч синашди. Якунда Поп тумани кўзи ожизлар жамиятига қарашли шашка тўгараги аъзоси М. Ҳайдарова энг кўп очко жамғариб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Энди у хорижда ўтказиладиган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 51824 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
t-Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5